



ШАРҚ МУТАФАККИРЛАРИНИНГ ШАХС, УНИ ТАРБИЯЛАШ, ЎҚИТИШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШ ҲАҚИДАГИ ПЕДАГОГИК ҒОЯЛАРИ

Ҳилолахон ТОЖИБОЕВА,

*Қори Ниёзий номидаги Тарбия педагогикаси миллий институти
директорининг илмий ишлар ва инновациялар бўйича ўринбосари,
педагогика фанлари доктори (DSc), профессор*

Ёшларнинг шаклланиши ва маънавий камолоти барча даврда ҳам долзарб масала ҳисобланган. Шунинг учун ҳам аجدодларимиз фарзандларнинг камол топиши, билим эгаллаши, юксак маънавиятли бўлишига эришиш мақсадида ўзларининг қимматли қарашлари ва фикрларини баён қилганлар. Уларнинг турли сохта таълимотларга берилишига йўл қўймасликка ҳаракат қилганлар. Жумладан, йирик аллома ва ватанпарвар Нажмиддин Кубро педагогик фикр тараққиётига катта ҳисса қўшган. Унинг мақсади одамларни жисмонан, ақлий, руҳий-маънавий жиҳатдан етук шахс сифатида тарбиялашдан иборат бўлган. У тариқат ва саховатлиликни

ўзаро уйғунлаштирган, ахлоқий поклик, мардлик, ҳожатбарорлик ғояларини тарғиб этган. Илоҳни севиш билан яхши инсонларни севишни бирга олиб қараган, нафсни қаттиқ қоралаган.

Билиш назариясида ақлий ва ҳиссий-интуитив билишни бирлаштирган, тасаввуфда ҳушёрлик (саҳв) маслагини танлаб, беҳуд – девоналикни инкор этган. У инсонни кичик олам деб, унинг камолоти чексиз эканини таъкидлаган. Нажмиддин Кубро таълимотини ҳар томонлама таҳлил қилиш ва унинг Ўрта Осиё маънавий педагогик фикр тараққиётидаги аҳамиятини кўрсатиш учун илгари сурган ғояларни бугунги давр нуқтаи назаридан ёндашган



ҳолда ўрганиб, турли тадбирлар ёрдамида ўқувчи-ёшлар онгига етказиш лозим. Чунки Нажмиддин Кубро қарашларини ўрганиш ва билиш ўқувчи-ёшларнинг миллий ўзлигини англаши учун катта аҳамиятга эга.

У ўзининг ахлоқий қарашларини “Фавойиҳ ал-жамол ва фавотиҳ ал-жалол” (“Жамол хушбўйликлари ва жалолнинг кашфи”), “Ал-усул ал-ашара” (“Ўнта усул”), “Фи одобус соликин” (“Солиҳлар одобиди”) номли китобларида баён қилган бўлиб, педагоглар ушбу асарлар билан яқиндан танишишлари лозим.

Нажмиддин Кубро ўз асарларида тафаккурга асосланган ақлий билимни ривожлантиришга эътибор қаратиш лозимлигини

таъкидлаган. Аллома инсон руҳий кечинмалари, нозик ҳолатларини пухта билган. Шу асосда «латоиф» (“нозик таъблилик”) назариясини ишлаб чиққан. Бу назарияга кўра, инсон руҳи кўзга кўринмас латиф марказлардан иборат. Бу онг ва туйғу, руҳ ва жисм орасидаги ҳолат. Уни илғаб олиш мушкул. Аммо инсон ҳаёти ва кундалик фаолиятида ушбу қарашлар муҳим аҳамиятга эга.

Нажмиддин Кубро ирфоний ҳикмат ва инсоний поклик, илоҳий маърифатгояларини бутун Шарққа тарқатган мутафаккир сифатида фаолият кўрсатган бўлиб, унинг қарашлари бугунги кунда ўсмирларда “оммавий маданият”га қарши иммунитетни шакллантиришда алоҳида ўрин

тутади.

Ўз ғоялари билан баркамол шахс тарбияси борасида алоҳида ўрин эгаллаган мутафаккирлардан бири Ҳусайн Воиз Кошифийдир. Ҳусайн Воиз Кошифий “Ахлоқи муҳсиний”, “Ахлоқи Карим”, «Суҳайлий», «Жавоҳирнома», “Рисола дар илми эъдод” (“Сонлар ҳақида рисола”), “Равзат уш шуҳадо” (“Шаҳидлик боғи”), “Ойнаи Искандарий”, “Тафсири Ҳусайний”, “Рисолати Ҳотамий ёки Китоби Ҳотамнома” (“Ҳотамтой ҳақида рисола”), “Саҳифаи шода”, “Бадое ал-афкор фи санноэ ал ашъор” каби асарларида ахлоқий тарбиянинг назарий асосларини ёритган. Унинг таъкидлашича, одоб қалбни ёмон сўзлар ва ножўя хулқдан сақлай олиш, ўзини ва ўзгаларни ҳурмат қила билишдир. Кошифий тарбияда ота-оналар ва педагогларнинг тарбия соҳасидаги вазифаларини белгилаб берган. Ўсмир ёшидаги ўқувчиларда “оммавий маданият”га қарши иммунитетни шакллантиришда Кошифийнинг қарашларидан фойдаланиш ижобий самара беради.

Бу борада “Ахлоқи

муҳсиний” асари педагогик аҳамиятга эга. Асарда, асосан, ёшларнинг таълим-тарбияси ҳақида фикр юритилган. Таълим-тарбия инсонда юксак ахлоқий фазилатларни шакллантириш омили эканлигини мутафаккир алоҳида таъкидлайди.

“Бурчни бажармоқлик бу инсоннинг олийжаноблигидан ва юксак даражада билимдонлигидан далолат беради”, - дейиш билан Кошифий инсоний бурчни, билимдонликни улуғлайди. Билимдон инсон ўз бурчини тушунади, бу унинг олийжаноблигини намоён қилади. Кошифийнинг бу фикрлари бугунги кун учун ҳам педагогик қимматга эга.

“Одоб, бу – қалбини ёмон сўзлардан ва ножўя хулқдан сақлай олиш, ўзини ва ўзгаларни



хам ҳурмат қила билиш, шу билан бирга ўзини ва ўзгаларни обрўсини тушурмасликдир”. “Ёлғончилик сени жарликка етаклайди, ростгўйлик эса бахтсизликдан сақлайди”, - дейди Кошифий. У ижобий фазилатларни мақтаб, инсонларга зарур, деб ҳисоблайди. Инсон ёлғончилик, хасислик, адолатсизлик, виждонсизлик каби хислатлардан холи бўлиши керак, деб насиҳат қилади Кошифий. “Инсоннинг ахлоқсизлиги унинг ўзигагина эмас, балки ўзгаларга ҳам салбий таъсир қилади”; “Одоб – олтиндан қиммат”; “Виждони, номуси, диёнати бўлмаган киши дунёда бўлган ҳамма ёмонликни қилишга тайёрдир”, - дейди Кошифий.

Кошифий ёшларда софдиллик, ростгўйлик, сахийлик, виждонлилик, иродалилик, қатъиятлилик каби фазилатларни шакллантириш зарур, деб ҳисоблайди. У хасис, тамагир, очкўз, дилозор, пасткаш, туҳматчи, сотқин, ёлғончи, лақма кишиларни ахлоқсиз кишилар сирасига киритади.

Воиз Кошифий ўз қарашларида инсон маънавиятининг бир қатор

масалаларига эътибор қаратган. У, биринчи навбатда, инсонда олийжаноблик хусусияти бўлиши зарурлиги ҳақида тўхталган. Оқ кўнгиллилик, бағрикенгликни ҳам одоб меъёри, деб ҳисоблайди. “Софдиллик, сабрлилик, ростгўйлик, сахийлик, меҳнатсеварлик инсоннинг баркамоллиги ва ўзини англашидан далолат беради. Софдиллик, ростгўйлик ва мурувватлилик бехатарлик ва ишонч гаровидир” – деб уқтиради Кошифий. Бу фикри билан у ёшларни қора кўнгил, ёлғончи, тамагир, пасткаш, нокас, гап ташувчи, лақма бўлмасликка, мард, олижаноб, сахий бўлишга чақиради. Бундан ташқари, Воиз Кошифий, айниқса, инсондаги ростгўйлик ва меҳнатсеварлик хислатларига кенг тўхталади. Мутафаккирнинг таъкидлашича, инсонийликни белгилайдиган энг асосий жиҳатлардан бири – бу ростгўйликдир. Кошифий ахлоқнинг бу жиҳатига алоҳида эътибор қаратганлигининг сабаби шундаки, у яшаган даврда ёлғончилик, бир-бирини алдаш, ота болага, ака укага қарши кураш олиб бориш каби салбий жиҳатлар

кенг ёйилган эди. Кошифий халққа бахтсизлик, давлатга зарар келтирувчи ёлғончи, ишёқмас, хасис, сотқин кишиларни етти гуруҳга ажратади.

“Ахлоқи муҳсиний” асарининг мазмунини белгиловчи яна бир ахлоқий хусусият бу инсонпарварликдир. Кошифий инсонни ҳурматлаш, эъзозлаш, ғамхўрлик қилиш фақат яқинлик, қариндошлик учунгина эмас, балки бу энг муҳим одамийликдир, деб ҳисоблайди. Шунингдек, унинг дўстлик ҳақидаги мулоҳазалари ҳам жуда ибратлидир. “Инсон дўстлари бирор нарсага муҳтож бўлиб қолсалар, уларга ёрдам қўлини узатиши, ҳеч нарсасини дўстларидан аямаслиги керак”. Кошифийнинг мазкур фикрлари “оммавий маданият”нинг салбий оқибатлари кенг тус олган бугунги кун учун ҳам аҳамиятлидир. Чунки “оммавий маданият” таъсирида худбин, манфаатпараст, ёлғончи, ота-онаси ва дўстларини ҳурмат қилмайдиган шахсларнинг пайдо бўлиш эҳтимоли кучаймоқда. Бундай иллатларга барҳам бериш учун буюк аجدодларимизнинг таълимотларига таяниш лозим. Унинг бунга ўхшаш кўплаб

фикрлари барча даврлар учун ҳам қадрлидир. Чунки инсон объектив оламдаги энг буюк мавжудотдир. Уни эъзозлаш, бир-бири билан ҳамкорлик қилиш, бошқача айтганда жамоавийлик, халқлар дўстлиги туйғуси “оммавий маданият” кенг авж олган айни кунларда ҳар бир кишининг ахлоқий меъёри, бурчига айланиши керак. Воиз Кошифийнинг инсоний бурч, ота-она қадри ҳақидаги фикрлари ҳам салмоқли ва бугунги кунда ўсмирларнинг маданий онгини шакллантиришда муҳим аҳамиятга эга.

Ақидапарастлик, фундамен- тализм, диний фанатизм, миллатчилик каби бир қатор салбий ҳолатлар бутун дунёдаги ёшлар хатти-ҳаракатида яққол намоён бўлмоқда. Бугунги кунда ахлоқсизликни маданият, деб билиш оддий ҳолга айланмоқда. Ўзбек халқининг асл маънавий қадриятларини менсимаслик, уларни эскилик сарқити сифатида баҳолаш инсон ҳаёти, оила муқаддаслиги ва ёш авлод тарбиясига катта хавф солмоқда. Шунинг учун ҳам “оммавий маданият”нинг

мазмун-моҳиятини очиб бериш, педагоглар ва ота-оналарни унинг асл моҳияти ва зарарли оқибатларидан хабардор қилиш зурурияти кучаймоқда. Биз бугун аждодларимиз меросига таянган ҳолда маънавий тарбияга алоҳида эътибор қаратишимиз лозим.

